ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

14 август, пайшанба 1997 йил №95 (445)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Россия Президенти қурилишчиларининг собиқ бошлиғи А.Коржаковнинг китоби кеча Москвада сотувга чиқарилди. Китобда муаллиф Б.Ельциннинг фаолиятига баҳо бериб, у ичкиликка берилган, касалманд одам эканлигини ёзади.

***

Халқаро Қизил Хоч жамияти толибонларнинг қўлга тушириган асирларига нисбатан яхши муносабатда бўлмаётганликларини танқид қилди. Толибонлар ҳозир уч мингдан ортиқ кишини тутқунликда ушлаб турибди.

***

Хитой дунё мамлакатлари орасида инсонларга нисбатан энг олий жазони қўллаш бўйича рўйхатнинг бошида турибди. Утган йили бу мамлакатда 3500 дан ортиқ киши ўлим жазосига тортилган.

***

Афғонистонда 18 йилдан бери биринчи марта бу йил галладан юқори ҳосил олиниши мўлжалланмоқда.

***

Тожикистондаги вазият мураккаблигича қолмоқда. Хабарларга қараганда ҳукумат қўшинлари полковник М.Худойбердиевнинг пойтахтдан 100 км узоқда жойлашган қароргоҳини осмондан ўққа тутган.

Етти иқлим нафаси

Чеченистон маркази Грозний шаҳрида бир қанча Россия тележурналистларининг ўғирлаб кетилганига уч ой бўлди. Чечен раҳбарияти гаровга олинган ушбу журналистларни излаб топган ва гаровга олганларни қўлга тушириган кишилар учун катта пул мукофоти ваъда қилган эди. Бироқ, мана уч ойдирки, ўғирланган рус тележурналистлари ҳамон топилмади. Чеченистон президенти Аслан Масхадов гаровга олинганлар дарҳол озодликка чиқарилмас эканлар, жиноятчиларга қарши энг қатъий чоралар қўрилишини таъкидламоқда.

* * *

Фазодаги «Мир» орбитал станциясида фаолият кўрсатаётган Россия фазогирлари Василий Циблиев ва Александр Лазуткинлар Ерга қайтишга тайёргарлик кўришмоқда. Улар ўз иш жойларини станцияга ўтган ҳафтада учиб келган яна икки фазогир — Анатолий Соловьев ҳамда Павел Виноградовга бўшатиб берадилар. Улар июнь ойининг охирида «Мир» станциясида содир бўлган ҳалокат оқибатларини бартараф этиш билан шуғулланадилар.

* * *

Сербия республикаси президенти Биляна Плавшич узининг сиёсий мухолифларини халқаро ҳамжамият талаблари ҳамда Дейтон битими шартларига қатъий риоя қилишга чақирди. Журналистлар билан суҳбатда президент Плавшич мухолифларининг бундай қарама-қаршилиги Сербия учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, Сербия президенти мамлакат парламентига умумхалқ сайловларни 1 сентябрдан 15 октябрга кўчиришга қарор қилганини айтди.

* * *

Албанияда фаолият кўрсатган халқаро тинчликпарвар кучлар ушбу мамлакатдан олиб чиқиб кетилди. Етти минг кишидан иборат ушбу халқаро қўшин Европанинг 10 давлатидан Албанияга апрель ойида кириб келган эди. Мазкур халқаро кучлар Албанияда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туриш ҳамда ҳокиматга сайловларнинг осойишта ўтишини таъминлаш учун сафарбар этилган эди.

* * *

Исроил Бош вазири Беньямин Нетанъяху АҚШ эмиссари Деннис Росснинг Фаластин раҳбариятини танқид қилганини қўллаб-қувватлади. Деннис Росс ҳам, худди Нетанъяху каби экстремизм ва террорчилик билан курашиш лозимлигини қайд этди. Фаластин мухторияти раҳбарлари эса Исроил билан Фаластин ўртасидаги можаролар фақат шимолий Қуддусдаги яҳудийлар учун уйлар қурилиши тўхтатилгандан кейин бартараф бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар.

* * *

Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарияти Нью-Йоркда бўлиб ўтган Кореяда тинчлик ўрнатиш мавзусига бағишланган маслаҳат учрашуви қўтилган натижаларни бермаганлигидан таассуф билдирди. КХДР ташқи ишлар вазирлигининг баёнот беришича, Кореяда тинчлик ўрнатишга қаратилган музокаралар Кореядан АҚШ қўшинларининг олиб чиқиб кетилганлигидан кейингина бошлаб юборилиши мумкин. АҚШ раҳбарияти эса Нью-Йоркда бўлган учрашувда қўшинлар фақатгина Кореяда тамомила тинчлик ўрнатилгандан кейин олиб чиқиб кетилиши мумкинлигини қайд этган.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

«МЕН ШАРҚ МУСИҚАСИНИ СЕВАМАН»

«Шарқ тароналари» фестивали дунё миқёсида биринчи марта 25 августда Самарқанд шаҳрида бошланиб 2 сентябрь куни якунланади. Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини авайлаб-асраш ва кенг ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, ғўзалликни, чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш ушбу фестивалнинг бош мезонидир. Айни кунда фестивалга тайёргарлик ишлари кунма-кун авж олиб бормоқда. Кимдир ўзининг янги куйини, кимдир шеърини, кимдир моҳир санъати - таъмирлаш, безаш, тасвир бериш билан ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда Маданият ишлари вазирлиги қошида ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали учун махсус ишчи гуруҳлар Штабига Лариса исмли қиз келиб, ушбу фестивалда иштирок этиш учун изн сўради. Ҳамма ҳайрон. Рус қизи, ўзбекча қўшиқ ижро эта олармикан?... Шунда Ларисанинг ҳамроҳи, ижодий раҳбари Фарҳод ака Жўраев қўлида бир даста ҳужжатларини кўрсатаркан, Ларисанинг иқтидори ҳақида қисқагина гапирди.

Лариса Москалёва 23 ёшли қиз. Ўзбекистон фуқароси. У ана шу улуғ номни оқлашни хоҳлайди. Лариса билан суҳбатлашаётиб, сиз ҳали ўзбек тилини яхши билмас экансиз, қўшиқ айтишда қийналмайсизми? деб сўраганимизда, у:»Йўқ, менга сўзларнинг маъноси оҳанглар орқали етиб келади. Шунга қарамай айни кунларда ўзбек тилини ўрганиш, кейинчалик шу тилда мусиқалар ёзиш учун ўз устимда ишламоқдаман. Тез кунларда 12 та ўзбек қўшиқларидан иборат альбомим ҳам чиқиб қолса керак. Биласизми, Ўзбекистонни, ўзбек халқини севишимни ўз қўшиқларим орқали етказсам дейман. Айниқса, Шарқ мусиқасининг майин оҳанги, жозибаси мени ҳамиша ўзига жалб қилаверади. Унинг англаб бўлмас сир эканлигини илғаган ҳолда қўшиқларимда ўз аксимни топишига ҳаракат қилавераман. «Шарқ тароналари» мусиқа халқаро фестивалида иштирок этишдан бирдан-бир мақсадим ҳам Шарқ мусиқасини яқиндан ўрганиш ва уни ўз ижодимга тадбиқ қилишдир. Бу борада устозим Фарҳод аканинг хизматлари катта бўлмоқда».

Ҳа, Лариса билан гаплашар эканмиз, у айтгандек қўшиқларимизнинг англаб бўлмас сирларида қолиб кетамиз. Майинлик, жозиба, сархушлик, қувончу ғамларимизда қалбга малҳам бўлгувчи оҳанглар оламини англаш мушкул эканлигини ҳис этамиз. Гўёки уларнинг сири асрлар қаърига яширингандек.

Фотима ИСЛОМ қизи

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Жорий йилда Пешку тумани пахтакорлари 12426 гектар ерда ғўза ўстириб, мамлакатга 37 минг тонна сифатли хом ашё етказиб беришга азму қарор қилганлар. Бу йилги баҳор қийинчиликларига қарамай ҳамма майдонларда бир текис ғўза ниҳоли ундириб олинган.

Маълумки, саратон -ғўза парваришида ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Бу ойда ишни тўғри ташкил этган деҳқонларнинг ҳосили баракали бўлади. Жамоатчи мухбиримиз тумандаги бир қатор хўжаликларда бўлиб, жамоа хўжаликлари бошқаруви раислари, юқори ҳосилли бригада бошлиқлари, муҳандислари билан суҳбатлашди. Улар ўз жамоаларида шу кеча-кундузда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қуйидагича ҳикоя қиладилар:

***

Акбар ЖУМАЕВ, «Боғимусо» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси:- Ғўза парваришни хуш кўради. Бунинг учун ҳозирги кунлар жуда ғанимат ва масъулиятли. Жорий йилда 871 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил олишни кўзлаяпмиз.

Ҳосил кўчатдан олинади. Пайкаларимизда кўчат текис, соғлом, серҳосил бўлиб усмоқда. Ҳозир шонага шона, гулга гул, кўсакка кўсак қўшиляпти. Бу албатта, мўл ҳосилнинг дастлабки нишоналари. Лекин бу билан хотиржам бўлаётганимиз йўқ.

Далаларимизда ғўза парваришини кун сайин авж олдиряпмиз. Ғўзаларни шарбат сувига қондиришга, қатор ораларини ўз вақтида сифатли культивация қилишга, бегона ўтларни таг-томири билан йўқотишда тадбиркор бригада бошлиқлари Иззат Бобоқулов, Истат Бобоқулов, ижарачилар Шоира Азизова, Зуҳра Деҳқонова, Саломат Қўзиева, Иззат Ражабова, Сайёра Бобоқулова, моҳир механизаторлар Шомурод Адизов, Шобой Муртазоев, Жума Гадоев, Ниёз Нуруллаев, Эшмурод Гадоев, уста сувчилар Комил Деҳқонов, Ориф Ражабов, Ориф Бўроновлар ва Даврон Отақуловлар зўр фидойилик кўрсатмоқдалар.

***

Муяссар ТУРДИЕВ, Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалигининг олтмиш центнерчи бригадири: - Деҳқончиликда ҳар бир ишни обтобида бажарган деҳқон доғда қолмайди. Буни кўп йиллик тажрибамиздан яхши билиб меҳнат қиламиз. Бу йил ҳам 54 гектар ерга чигит экиб, олтмишни кўзлаяпмиз.

Пахтачиликда ҳосил тақдири асосан сувчи ва механизатор қўлида. Улар ҳамкорликда ишласа, ҳар туп ғўзадан қалб қўрини аямаса, сидқидилдан тер тўкиб ишласа хирмонга барака киради. Бунинг учун шу кунларда ғўза парваришини жадаллаштириш керак. Ҳар туп ғўза эътиборда бўлсин. Экин ўғитсиз, сувсиз қолмасин. Бегона ўт озуқага шерик бўлмасин. Ниҳолларнинг ости ўз вақтида юмшатилсин, шундагина ғўза яйраб ривожланади, гулга гул қўшилиб салмоқдор кўсаклар сони кўпаяди.

Деҳқонга ғамхўрлик ҳам керак. Уларга шарт-шароит соз бўлса, унумли ишлайди. Шуни ҳисобга олиб даладагиларга меҳрибонлик кўрсатаяпмиз: дала шийпонида иссиқ овқат тайёрланмоқда, бирпас ҳордиқ чиқаришга салқин жой қилиб қўйилган. Шу боис Ҳамробегим Файзиева, Ойша Турдиева, Асқар Неъматов, Уткир Ҳайитов, Ҳалима Бўронова, Маҳтоб Шамсиева, Муҳиддин Турдиев каби аъзоларимиз алоҳида завқ-шавқ билан ишлаб, ғўзаларни яшнатмоқдалар.

Абдураҳмон НУЪМОНОВ,-»Маданият» жамоа хўжалиги бош муҳандиси: - Тўғри гап, ҳосил тақдири кўп жиҳатдан механизаторларнинг шу кеча-кундузги фидойилигига боғлиқ. Агар у сал бепарволикка йўл қўйса, ҳосилнинг маълум қисми қўлдан бой берилади. Жамоамиз механизаторлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда июль ойида алоҳида ғайрат билан ишламоқдалар. Айни пайтда 22 та трактор культиватори ғўза қатор ораларига ишлов беришга сафарбар қилинган. Улар ишнинг сифатига жиддий эътибор берадилар.

Айниқса, чаққон ва фидойи механизаторларимиздан Шокир Мақсудов, Қўша Чулиев, Бахтиёр Маҳмудов, Сайфиддин Лутфуллаевларнинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Улар эрта тонгдан далага чиқиб, кунига 7-8 гектар ердаги ғўза қатор ораларини сифатли культивация қиляптилар.

Катта маъракалар арафасида турибмиз. Истиқлолимизнинг олти йиллиги, Бухорои Шарифнинг муборак 2500 йиллиги нишонланадиган йилда улуғ мақсадни дилга жо қилганмиз. Хўжалигимизда пилла, ғалла режалари ортиғи билан уддаланди. Кутлуғ йилда 976 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинадиган пахта ҳосилини 40 центнердан ошурамиз. Ҳосил тақдири эса айни шу кеча-кундузда ҳал этилянги. Механизаторларимиз буни тўғри тушуниб, ғўза парваришини намунали олиб боряптилар. Натижада пайкалларда ниҳоллар баравж усмоқда.

Суҳбатдош: Собиржон ҚОДИРОВ

ЧОРВАЧИЛИК: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Чорвачиликни, хусусан, гўшт етиштиришни жадал ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Наманган вилояти илғор жамоалари бу соҳада изчил иш юритиб, муайян ютуқларга эришмоқдалар. Бунга Наманган Гўшт ҳиссадорлик жамиятига қарашли Уйчи туманидаги гўшт тайёрлаш ва бурдоқига боқиш базасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Гўшт етиштиришга ихтисослашган ушбу база бундан тўрт йил аввал иш бошлаган эди. Унинг ташкил этилиши аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим қадам бўлди. База ўтган давр мобайнида анча кенгайиб, иқтисодиёти мустаҳкамланди.

Яқинда мазкур базада бўлдик. Бу ердаги батартиблик бир қарашдаёқ билиниб турибди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта ва озода. «Гўшт» фабрикасига тадбиркор ва ташкилотчи йигит Жунайдулло Ҳожиматов раҳбарлик қилмоқда.

— Бурдоқичилик базамиз, — дейди база мудири Ж. Ҳожиматов, — 1993 йилда 100 бош қорамолни сўқимга боқиш билан иш бошлади. Шу йилиёқ катта фойда билан чиқдик. Буқаларни қабул қилиш, уларни ўстириш, даромад олиш юзасидан белгиланган режалар яхши уддаланди. Шунинг эвазига чорва бинолари қайтадан таъмирланди ва кенгайтирилди.

Бурдоқибоқарлар 1996 йилни муваффақиятли якунладилар. Шерикчилик ҳисобига 146 тонна гўшт етиштирилиб, давлатга сотилди. Бунинг эвазига катта фойда олинди. Ёки база 245 минг сўм дивиденд билан чиқди. Даромад аъзолар ўртасида тақсимланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда базанинг ўз ҳисоб рақамида 1 миллион сўм фойда пули бор.

Ушбу базанинг вазифаси туманимиз хўжаликларидан 180-200 килограммли новвосларни қабул қилиб олиб, шерикчилик ҳисобига бурдоқига боқиш ва яна ўша хўжаликларга гўшт ҳисобида ўтказишдан иборат. Ихтисослаштириш ўзини оқлади. Бурдоқибоқарларнинг фидокорона меҳнатлари, зоотехника фани ютуқлари ва илғор тажрибаларни дадиллик билан қўлланиши туфайли семиртириш муддати, яъни қорамолларнинг боқувда сақлаш даври кескин қисқартирилди. Гўштга топширилган ҳар бош бурдоқининг тирик вазни 400-410 килограммдангa тўғри келмоқда. Бунинг эвазига катта даромад кўрилмоқда. Кўрилган соф фойданинг 50 фоизи шериклар ўртасида тақсимланмоқда.

База жамоасининг жорий йилдаги натижалари ҳам қувонарли. Ўтган давр мобайнида давлатга 138 тонна гўшт топширилди. Ёки 5 ойда семиртириш ҳисобига 21 тонна маҳсулот тайёрланди. Бурдоқибоқарларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли йиллик шартномаларнинг 70 фоизи бажарилди. Бундан шериклар ҳам мамнун, айниқса, Навоий номли, «Қизилравот», А. Муминов номли жамоа хўжаликлари ҳамда «Ғайрат» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Охунбобоев номли деҳқон (фермер)лар уюшмаси, «Иқбол» ҳиссадорлик жамияти катта фойда кўряпти.

Бугунги кунда базада 156 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Уларнинг 131 боши шерикчилик ҳисобига боқиляпти. Новвосларни жадал усулда парваришлаш, берилган ҳар бир килограмм ем учун кўпроқ самара олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бурдоқиларнинг суткалик семириши 800-900 граммданга тўғри келмоқда.

Тараққиёт йўлидан дадил бораётган база жамоаси мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга муносиб ҳисса қўшиш, арзон ва сифатли гўшт етиштириш ва кўпроқ даромад олиш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини ишга солмоқда.

Адҳамжон ҲОЖИМАТОВ,

Уйчи туманидаги «Ҳуррият» газетаси ходими



Янгийул туманида замонавий технология ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 25 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган янги пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди.

Суратларда: «Узпахтасаноатсотиш» ишлаб чиқариш техника бошқармаси раис муовини Мухтор Акбаров(чапдан унгга) бўлим бошлиғи Рамзиддин Нуриддинов ва Янгийул пахта тозалаш заводи директори Илҳом Қозоқбоевлар. Пахта заводининг умумий кўриниши.

Рашид Галиев олган суратлар.

Юртдошлар довруғи

«ФАНТАЗИЯ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБИ

Варна шаҳрида олтинчи халқаро фольклор дасталарининг «Варна-97» деб ном олган фестивалида Ўзбекистондан «Фантазия» ритм балет дастаси муваффақиятли иштирок этиб, энг юқори ўринни эгаллади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси номига бу ҳақда хабар берувчи қуйидагича мазмунда табрик хати келди:

«Олтинчи халқаро фольклор дасталари ташкилий қўмитаси сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 6 йиллиги муносабати билан қизғин табриклайди.

Биз «Фантазия» ритм балетининг улкан муваффақияти ҳақида сизга хабар етказишдан ғоятда хурсандмиз. Ўзбекистон «Фантазия»дастаси фестивалда қатнашган 18 даста ичидан энг яхшиси деб тан олинди.

Биз «Фантазия» хореографик дастаси дастури мисолида ажойиб ўзбек фольклор санъатидан баҳраманд бўлишга муяссар бўлдик.

Ўзбек санъати билан яна кўришишни истаб:

«ВАРНА-97» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛИЙ ҚУМИТАСИ»

Ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ БЎЛСИН

Бизга маълумки, ҳозирги пайтда барча корхона ва ташкилотларда ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратиш, уларни самарали меҳнат қилишлари учун барча қулайликларни муҳайё этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда «Фарғонасавдо» концерни, Вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик бошқаруви корхона ва ташкилотларида ҳам Ўзбекистон Республикаси меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунига асосан иш юритилиб, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида Фарғона савдо тизимидаги корхоналарда 1500 минг сўмлик механизмлар, мебель ва инвентарлар сотиб олинди, 1300 минг сўмликдан ошиқ янги асбоб-ускуна билан жиҳозланди. 50 дан зиёд савдо ва умумий овқатланиш объектлари оддий таъмирлаш ишлари билан қайта тикланди. Аммо бу билан «Фарғонасавдо» концерни корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқаришдаги хавфли вазиятлар бутунлай бартараф этилди, меҳнаткашлар учун хавфсиз меҳнат шароити тўла таъминланди деб айтолмаймиз. Ҳалигача оддий санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган иш жойлари борлигини инкор қилиб бўлмайди.

Вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкили-

(Давоми 2-бетда)

Ғалла — ризқ-рўзимиз

ТЎЙГА ТЎЁНА

Тошкент вилояти меҳнаткашлари жонажон ватанимиз мустақиллиги кунига муносиб тўёна ҳозирланди. Вилоят ғаллакорлари ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. Давлатга дон топшириш режаси ошириб уддаланди. Эл омборига 220 минг 400 тоннадан ортиқ дон етказиб берилди.

Режанинг бажарилиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Вилоят деҳқонлари аҳдга вафо қилиш, эл дастурхонини нон маҳсулотлари билан тўкин этиш мақсадида фидокорона меҳнат қилдилар. Ёрни экишга сифатли тайёрладилар, эртапишар ва юқори навли дон уруғи экиб, экинни агротехника қоидалари асосида олиб бордилар. Урим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришилди. Ғаллакорлар ишлаши ва дам олишларига зарур шарт-шароитлар яратилгани, узаро мусобақа ташкил этилиб: голибларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари кўрилиб, амалга оширилгани ютуқлар гарови бўлди.

Далаларда 631 та, шу жумладан 56 та «КЕЙС» комбайни юқори унум билан ишлади. Вилоятнинг улкан ғалла хирмонига Қуйи Чирчиқ, Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийул ва Чиноз туманлари катта улуш қўшдилар.

«Ишонч»да босилмаса ҳам

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНМАДИ

Таҳририятимизга Янгийул шаҳрида яшовчи Уткир Раҳимов, Солижон Соқижоновлардан шаҳар санэпидстанцияси маъмурияти ишдан ноҳақ бўшатгани хусусида арзнома келган эди.

Арзнома тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат Санитария врачи, вазир муовини Б. Ниёзматовдан қуйидагича жавоб келди: «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология станциясининг Бош врачи С. Шоумаров, Тошкент вилоят санэпидстанциясининг касаба уюшмалари раиси Т. Зуфаровлар томонидан Янгийул шаҳар санэпидстанциясининг собиқ фельдшери Уткир Раҳимов, Солижон Соқижоновлар арзномаси бўйича текшириш ўтказилди. Арзномалаги Гулсара Мусаева, Абдуҳаким Сотиболдиев, Солижон Соқижонов, Мурод Худоёров ноҳақ Бош врач М. Бурибоева томонидан бўшатиб юборилди, деган шикояти тасдиқланмади.

Ижтимоий ҳимоя

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

лотларда ҳам ходимларнинг ишлаб чиқаришда хавфли ва зарарли омилларнинг таъсирига учрайдиган ҳолатлари сони ошди. Ҳозирда бу ерда санитария-гигиена меъёрлари жавоб бермайдиган шароитларда банд бўлганларнинг сони 400 нафарни ташкил қилмоқда.

Хавфсизликни паст даражада таъминланишига технология, асбоб-ускуналарнинг эскириши, мазкур асбоб-ускуналарни ўзгариши ва таъмирлаш муддатларининг барбод қилиниши, шикастланишга қарши ҳимоянинг ишончли тизими йўқлиги, эскирган ва ишдан чиққан бинолар, цехлар, аммиак совитгич қурилмалар ва электр асбоб-ускуналардан фойдаланиш кабилар асосий сабаб бўлиб қолмоқда.

Касаба уюшма вилоят кенгашининг меҳнат техник назоратчилари меҳнат муҳофазаси бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва тарғибот қилиш бўйича етарли иш олиб бормаяпти, тегишли ташкилотларга амалий ёрдам бериш етарли даражада эмас. Жамоа шартномасига киритилган меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши яхши назоратга олинмаган. Касаба уюшма қўмиталари меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиб беришдан ўзларини четга олаяптилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларининг ишлари умуман сезилмаяпти.

— Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг муҳим палласига кириб бормоқда,-дейди Фарғона вилоят савдо ходимлари меҳнат муҳофазаси назоратчиси Р.Мусинов.- Бу янги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар, юксалишлар жараёни бўлади. Ана шундай шароитда меҳнаткашларнинг иқтисодий ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқларини руёбга чиқариш, меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз иш шароитлари яратиш, корхона, ташкилотнинг барча аъзоларини ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий дам олишларини таъминлаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, республикамизда инсон манфаатларини ифода этувчи кўплаб пишиқ-пухта қонунлар қабул қилинган. Лекин бу қонунларнинг ҳаётда тўла амал қилишига тўсиқ бўлаётган омиллардан бири меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятининг ривожланмаганлигидир. Соҳамизнинг ҳар бир ишчиси, раҳбари, ўрта бўғин раҳбарларига қонунлар барча масалаларда ҳуқуқий кафолат эканини англаш билан бирга, бу қонунлар ўзларига муайян бурч, мажбурият ва масъулият юклашини ҳам чуқур ҳис этишлари шарт. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вақтинчалик қийинчиликлар тармоқда кечаётган жараёнларга ва шу орқали меҳнат шароити яратишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Савдо корхоналарнинг молиявий ва хўжалик мустақиллиги шароитларида мулкчиликнинг ижара, қўшма ва хусусий турлари кўплаб вужудга келаётган бир пайтда инсонлар соғлигини таъминлашдек муҳим вазифалар унутилиб келинмоқда.

Минг афсуски, меҳнат шароити ва уни муҳофазалашга эътиборсизлик кайфияти хўжалик раҳбарларимизда кучайиб бормоқда. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш ва маблағ деган фикр улар учун ақидага айланиб бормоқда. Бошқа ҳамма жиҳатлар иккинчи ўринга тушиб қолаётир.

Шу ўринда «Фарғонасавдо» ишлаб чиқариш концерни бошқарув аппаратининг ўзида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этилмаганлигини қўйи савдо ишлаб чиқариш ташкилотларидаги раҳбарларни, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассисларини ўқитиш ва билимларини ошириш 1993 йилдан буён ўтказилмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Фарғона шаҳридаги «Муниса» хусусий савдо фирмасида ҳаммаси бўлиб 53 та ходимдан 42 таси аёлларни ташкил қилади. Ушбу фирмада 1994 йилдан буён жамоа шартномаси тузилмаган, 4 йилдан буён эса савдо дукони қиш фаслида иситилмайди. Энг ачинарлиси, дастлабки ва ҳар чоракдаги сабоқлар юзакилик билан ўтказилиб келинаётир.

Фарғона шаҳар «Умид» очиқ турдаги ҳиссадорлик савдо ишлаб чиқариш уюшмасида 1.10.96 йилдан 14 та дуконлар мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатмоқда. Уларда 50 дан ортиқ хотин-қизлар меҳнат қилади. Ушбу фирма дуконларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жавобгарлар тайинланмаган, касб-кор эгалари махсус йўриқномадан ўтказилмай ишлаб келяпти. Электр, газ ва совитгичлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича жавобгар шахслар тайинланмаган. Барча ходимлар бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан суғурта қилинмаган. «Фарғонасавдо» концерни қўйи ташкилотларида санитария, гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган иш жойлари борлигини инкор қилиб бўлмайди.

Риштон туман матлуботсавдо ишлаб чиқариш бирлашмасида (раиси Ш.Шарипов, касабақўм Ё.Эргашев) асосий касб-кор эгалари учун йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Нон ишлаб чиқариш корхонасида эса умуман 11 чоракда (раҳбари А.Жалилов касабақўм И.Искандаров) 30 кишидан ортиқ ишчилар навбатдаги сабоқлардан ўтказилмасдан фаолият кўрсатмоқда. Корхона ҳудудида жойлашган электр қувватини пасайтириш мосламаси (подстанция) эшиклари махсус беркитилмаган, огоҳлантирувчи ёзувлари йўқ. Нон пишириш цехидаги ҳаво тозалаш ускунаси ишламайди. Цехда иссиқлик даражаси белгиланган меъёрдан юқори.

Ёзёвон тумани матлуботсавдо ишлаб чиқариш бирлашмасида (раиси Х.Номонов, касабақўм У.Умурзоқов) меҳнат муҳофазаси хизмати ўриндошлик асосида фуқаролар мудофааси билан бирлаштирилган.

Ишлаб чиқариш бўлимида барча электр жиҳозлар, юк кўтариш мосламалари, ҳаво компрессори, монометрлар махсус қўриқдан ўтказилмаган. Аммиакли совитгичга хизмат кўрсатувчи шахс, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган. Махсус ўқитилиб синовдан ўтказилмаган. Матлуботсавдо тизимида ишчиларни махсус кийим-бош, пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан меъёрий ҳужжатларга асосан таъминлаш етарли йўлга қўйилмаган. Электр хавфсизлиги қоидаларини бузилиши Фарғона тумани ва «Чўл савдо» нон ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамон давом этмоқда. Ўз навбатида штатни эгаллаб турган касаба уюшма қўмита раислари, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган фаол раисларни ишлари деярли сезилмаётир.

Раҳбарлар ва муҳандис - техник ходимларни ўқитиш, аттестациядан ўтказилмаганлиги, йўл-йўриқларни ишлаб чиқилмаганлиги, жамоа шартномасидаги битим келишувларни тадбирларни тузишда унинг кўп ҳолларда асл моҳияти, уни молиявий таъминлаш чоралари йўқлиги тармоқдаги ходимларни меҳнат муҳофазасини қийин аҳволга тушириб қўйган. Ўйлаймизки савдо, умумий овқатланиш, матлуботкооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси, вилоят «Фарғонасавдо» ишлаб чиқариш концерни, Вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик уюшмаси тизимларидаги корхона ва ташкилотлар бу борада йўл қўйилган камчиликларни тез кунлар ичида бартараф этишнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Меҳнат кодекси — меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Мана, Республикамизда жаҳон андозаларига мосланган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашдек мукаммал қонуннинг қабул қилинганлигига салкам бир ярим йил бўлди. Ўтган муддат ичида у амалиётга қандай тадбиқ этилаётир? Қонуннинг бажарилишини таъминлашда касаба уюшма ташкилотлари етакчи куч бўла олаяптими? Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги мажлиси худди ана шу масалага бағишланди.

Мажлисда касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси А. Муҳаммедов маъруза қилди.

1997 йилнинг биринчи чорагида касаба уюшмалари кенгаши томонидан қонунни ўрганиш ва ижросини янада такомиллаштириш мақсадида вилоятнинг 7 та туман ва шаҳарларида семинар машғулотлари ташкил этилди. Ҳуқуқий савияни ошириш мақсадида ўтказилган тадбирларда 758 нафар касаба уюшма фаоллари иштирок этдилар. Бугунги кунда вилоятда қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Утган йили 367 та жамоа шартномалари тузилган бўлса, бу йил уларнинг сони 405 тага кўпайди. Сирдарё ГРЭСи, вилоят электр тармоқлари корхонаси, Гулистон ёғ-мой заводи, Сирдарё шаҳар босмахонаси, «Иссиқлик манбаи», «Сирдарёгаз» ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа бир қанча ташкилотларда имкониятлар даражасига қараб қўшимча ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар яратилмоқда. Вилоят алоқа ва почта хизмати тизимида 15 йилдан ошиқ узлуксиз ишлаган ходимлар телефон хизмати ҳақининг 10 фоизини тўлашдан озод этилган. Шунингдек, касалхонада бир ойдан ошиқ ётган ходимга энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган моддий ёрдам, маъмурият томонидан ишдан бўшатилган ходимга ишдан бўшатиш нафақасига қўшимча ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Касаба уюшмалари ва ижтимоий ҳимоя

Бироқ баъзи корхона ва ташкилотлар, хўжаликларда тузилган жамоа шартномалари қонун талабларига жавоб бера олади деб бўлмайди. Энг ачинарлиси бундай ташкилот раҳбарлари қонун-қоидаларни чуқур ўрганмаганлиги боис қатор хатоларга йўл қўймоқдалар. Касабақўмлар эса шартномалар ижросини таъминлашда ўзибўларчиликка йўл қўймоқда. Масалан, «Янгиерсавдо» ҳиссадорлик жамиятида жамоа шартномасининг бажарилиши назорат қилинмайди. Устига-устак бу муҳим ҳужжатга меҳнат муҳофазаси соғломлаштириш масалалари киритилиш ўрнига эски қолипдаги мажбуриятларга кенг ўрин берилган. Ш. Рашидов туманидаги Т. Малик Ҳ. Олимжон номли, «Дўстлик» хўжаликлари, Волков, Пахтаобод пахта тозалаш заводлари, Гулистон шаҳридаги ХАТП-3, Ховос туманидаги «Ховособод» ширкатлар уюшмаларида ҳам жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатилмаган.

Инсон манфаати барча моддий бойликлардан устундир. Шу боис ҳам қонунда муҳофазага катта эътибор қаратилган.

Утган муддат давомида 126 та корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш аҳволи ўрганиб чиқилди. 834 ҳолатда қонун қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. 88 та носоз ҳолда ишлатилаётган дастгоҳлар иши тўхтатилиб, 44 нафар мансабдор шахс жарима билан «сийланди». Утган йилнинг биринчи ярмида оқибати ўлим билан тугаган 6 та бахтсиз ҳодиса қайд этилган бўлса, бу йилнинг шу давригача бундай кўнгилсизлик 8 тани ташкил этди. Шу йилнинг 13 феврали куни Гулистон йўл қурилиши бошқармаси электр пайвандчиси Е. Смирнов 3,5 метр баландликда эски бинонинг металл каркасларини кесаётган пайтда махсус ҳимоя воситалари бўлмаганлиги туфайли нарвондан йиқилиб ҳалок бўлади. 6 март куни эса Бахт шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 2-мактаб қозонхонаси ишчиси Р. Тожиев қозондаги сув бўғи миқдорини кўрсатиб турувчи монометр ишдан чиққанлигини пайқамай қолади. Оқибатда ортиқча босимда қайнаган сувдан қувурлар ёрилиб, ишчи қаттиқ куйганлиги туфайли оламдан ўтади. Ёки ҳали 18 ёшга тўлмаган «Ўздеҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 42-қурилиш корхонаси ишчиси Леонид Красниковнинг фожиали ўлими қўпчиликни ларзага солди. Ўн гулидан бир гули очилмаган умир иш жойидаги техника хавфсизлиги қоидаларидан хабардор қилинмасдан, ўқитилмасдан тегишли тайёргарликсиз хавфли вазифага қўйилган. Бир неча оилалар қақшаб қолди. Бу хонадонларга етказилган маънавий зарар ўрнини қоплаб бўлармикан? Мазкур ташкилотлардаги маъмурият ва касабақўм қаёққа қаради экан?

Жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазасига катта маблағлар сарфлаш кўзда тутилган. Аммо аксарият ташкилотларда бу фақат қоғозларда қолиб кетмоқда. Биргина мисол: 42-қурилиш корхонасида ишчиларни махсус кийим-бош билан таъминлашга 116,8 минг сум ажратилган ҳолда бирор сумлик коржома олинмаган. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас. Энг ачинарлиси, кўплаб ишлаб чиқариш ташкилотларида техника хавфсизлиги муҳандиси вазифалари қисқартириб юборилмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатяптики, баъзи ташкилот раҳбарлари меҳнат кодекси қонуни билан мутлақо танишиб ҳам чиқмаган. Урганиб чиқилган 227 та ташкилотда 117 ҳолат бўйича меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган. Утган беш ойда касаба уюшма вилоят кенгаши ва тармоқ касабақўмлари томонидан 6 нафар ноқонуний ишдан бўшатиб юборилган шахслар ўз вазифаларига тикланди. Масалан, «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти ходими Р. Пармонов Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 1-банди билан ишдан бўшатилган. Аммо корхона маъмурияти уни 2 ой олдин огоҳлантирмаган. Оқибатда Р. Пармоновга 1996 йил 23 июлдан 1997 йил 15 январгача ишсиз юрган даври учун товон пули тўланиб, ўз вазифасига тикланди. Ширин шаҳридаги 7-болалар боғчаси тарбиячиси К. Пўлатова ҳам ана шундай ноқонуний ҳукм билан ишдан озод этилган. Унинг мурожаатидан сўнг ишга қайтарилган . Аксарият ташкилотларда меҳнат таътили бериш қоидаларига риоя қилинмайди. Бундай хунук кўринишларни Узбекистон почтасининг Сирдарё вилоят тизимида, «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамиятида, Сирдарё алоқа кўчма жамланмасида, Гулистон шаҳар босмахонасида учратиш мумкин.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш борасида ҳам қатор нуқсонлар бор. 7-қурилиш трести ҳиссадорлик жамиятига қарашли қурилиш ташкилотларида 25-автобус саройида, вилоят санитария эпидемиология қўналғасида меҳнат дафтарчасини бенуқсон тўлдириш борасида савод етишмайдиган кўринади. Бунинг устига айрим раҳбарлар ўз ҳолича интизомий жазо чораларини ҳам ўйлаб топишмоқда. Масалан, Сирдарё алоқа механизациялашган кўчма жамланмаси фаолиятидан кулишниякуйишниям билмайсан киши. Қурувчилар маъмурияти хизматчи Жўразиқуловга меҳнат интизомини бузганлиги учун бир ойлик маоши миқдорида жарима солган. Шу ташкилотга қарашли УПТК бўлинмасида, 25-автобус саройида ҳамон «қаттиқ ҳайфсан», «огоҳлантириш», «кам маош тўланадиган ишга ўтказиш каби интизомий жазо чоралари қўрилмоқда.

Қонун барчага баробар. Унга риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Қонун тарғиботи унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ҳар бир касабақўмнинг вазифасига айланиб қолмоғи даркор.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ислоҳот одимлари

МАНФААТЛАР УЙҒУНДИР

Бозор иқтисодиётининг мамлакатимиз ҳар бир фуқароси олдига қўяётган талаблари улкан ва хилма-хил. Уларни юракдан ҳис қилган кишигина, олдимизда қай даражада машаққатли вазифалар турганлигини англай олади. Иқтисодий ислоҳотларнинг мураккаб палласини бошидан кечираётган ҳар бир жамоа, корхона ва ташкилотларнинг юрт манфаати йўлида астойдил меҳнат қилишларига тўғри келмоқда.

Наманган вилояти Уйчи ипакчилик ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам буни яққол кўришимиз мумкин.

Ҳиссадорлик жамияти Чортоқ туманидаги эски бинони тўла таъмирлаб, 60 ишчига мўлжалланган тўқув филиалини қайта ишга туширди. Бу ерда ҳозир 40 та тўқув дастгоҳи ўрнатилиб, қимматбаҳо атлас ҳамда бўз матоси ишлаб чиқарилмоқда. Бу филиалда ишлаётган ишчиларнинг кундалик турмуш шароитлари бошқа корхонада ишлаётган ишчи-хизматчиларникидан бир мунча юқори.

Ипакчилик корхоналарда барча технологиялардан унумли фойдаланилган ҳолда иш олиб борилмоқда. Хусусан корхонада қимматбаҳо базут ёқилғисидан самарали фойдаланилиб, ён-атрофдаги аҳоли газ танқислигига учрашининг олди олинаётир. Қиш палласида аҳолида бундай ёқилғига талаб катта бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, ҳиссадорлик жамияти ҳокимият билан келишган ҳолда барча ишчиларни январь ойида 1997 йил ҳисобидан меҳнат таътилига чиқариб юборди. Бу давр ичида корхонадаги барча дастгоҳлар таъмирланиб, иш ўринлари меъёрига келтирилди. Бунинг фойдали ҳосиласи сифатида газ, базут ёқилғиси, электр энергия ва сувдан 1997 йил январь ойида 1 миллион 600 минг сўм иқтисод қилинди. Иш услубини самарали йўлга қўйгани туфайли даромадни ҳам оширишга муваффақ бўлди.

Корхона 1996 йил 1 ярим йиллиқда 38 миллион 297 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил 41 миллион 785 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 3 миллион 528 минг сўм ортиқдир.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1996 йилнинг 1 ярмида 6 миллион 49 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 6 миллион 319 минг сўмни ташкил этди ёки ўтган йилдагига нисбатан 270 минг сўм кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, корхонада машина ва ускуналарнинг техник қўриқдан ўтказилиши, техника хавфсизлиги таъминланиши корхонанинг бир меъёрда фаолият кўрсатишига катта ёрдам берди, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайишига бош омил бўлди.

Ҳиссадорлик жамияти раиси Олий Мажлис депутати Турдали Сатторов жамоатчилик ишларида фаол қатнашмоқда ҳамда вилоят фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви муаммоси бор эканлиги ҳаммага маълум. Маҳаллий раҳбарларнинг бевосита ҳамкорлигида вилоятда Қизилравот - Наманган сув узатиш иншоати қурилиши тугалланиш арафасида. Бу улкан қурилиш комплекси мустақиллик байрами арафасида ниҳоясига етади. Бу иншоот ишга тушгач, Уйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан тўла таъминлаш кўзда тутилмоқда. Халқ манфаатлари кўзлаб амалга оширилаётган мазкур тадбирларда ипакчилик корхонасининг ҳам ҳиссаси бор.

Корхона ишчи ходимлари дам олишлари учун тоғли Нанай қишлоғида корхонанинг сулим оромгоҳи хизмат қилади. Корхона қошида ички касалликлар, тиш даволаш, тиббиёт шахобчалари мавжуд бўлиб, ишчи-ходимларга беминнат хизмат кўрсатаётир, спорт майдончалари, ошхона, бошқа маданий-маиший шахобчалар ишчи-ходимларнинг мароқли дам олишлари учун хизмат қилмоқда.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, аҳолини турар-жой билан таъминлаш бугунги кунининг асосий муаммоларидан биридир. Лекин келажакда бу муаммони бартараф этиш учун барча чоралар амалга оширилмоқда.

Рустам ЭРМАТОВ

Бугунги кунда республикамизда эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб янги шифохоналар қурилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётир. Чунончи, Жомбой тумани «Ғўбдин» жамоа хўжалигида янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўз касбининг фидойилари ишлашади.



Суратда: ҳамшира Озода Исмоилова ва бош фельдшер Ҳусан Уринов.
Н.Алмуродов суратга олган.

15 август — Корея Республикаси ташкил топган кун

Биз билан ҳамкор мамлакатлар

Тараққиёт тимсоли

Корея ярим ороли Шимолий-Шарқий Осиёда жойлашган бўлиб, Шимолда Хитой ва Россия билан, Жанубий-Шарқда эса Япония билан умумий сарҳадга эга. Тарих тақозоси билан 1948 йили корейс халқи икки давлатга ° шимолда Корея Халқ Демократик Республикаси ва жанубда Корея Республикасига бўлиниб кетди. Жанубий Кореянинг майдони 99314 км. кв бўлиб, унинг 70 фоизи тоғлик ҳудудлардан иборат. Сўнгги маълумотларга кўра Жанубий Кореянинг аҳолиси 44 млн.дан зиёд.

Сўнгги ўн йилликлар давомида Корея республикасининг иқтисоди сезиларли даражада ўсди. Илгариги қолоқ, аграр Корея Республикаси энди ривожланган саноат давлатига айланди. 60-йиллар бошларида ялпи даромад жон бошига 100 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, бугунги кунда ушбу рақам 10 минг долларга тўғри келмоқда. Жанубий Кореяда автомобилсозлик энг ривожланган соҳа ҳисобланади. 1970 йили 30 минг машина ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич икки миллиондан ошди. Корея Республикасида машинасозлик билан учта йирик тармоқ ° «Хёнде», «ДЭУ» ва «Киа» компаниялари шуғулланади. Бу компаниялар ўз маҳсулотининг деярли ярмини экспорт қилади.

Электроника соҳасида Корея жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Телевизор ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринни эгаллаган. Мамлакатда ҳар йили 15 млн.дан ошиқ телевизорлар ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг ярмидан кўпроғи хорижга экспорт қилинади. Шунинг билан бирга Жанубий Кореяда тўқимачилик саноати ҳам тараққий топган соҳалардан ҳисобланади.

1992 йилнинг 29 январида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳозир пойтахтимизда Корея Республикасининг элчихонаси, ўз навбатида Сеулда Республикамиз элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил июнь ҳамда 1995 йилнинг 15-17 февралида Кореяга, Корея Республикаси раҳбари Ким Ен Самнинг 1994 йил июнида мамлакатимизга қилган расмий ташрифи давлатлараро ҳамкорлик алоқаларининг ривожига кенг имкониятлар яратди. Ушбу ташрифлар чоғида икки мамлакат раҳбарлари ўзаро иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини кенгайтиришга қаратилган бир қанча давлатлараро ҳужжатларни имзоладилар. Ҳозирги кунда шу аҳдномалар асосида амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ҳамкорликнинг илк натижаси бўлган «ЎзДЭУавто»нинг ишга туширилиши мустақил давлатимиз учун катта ютуқ, албатта. Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Лойиҳада кўзда тутилганидек, мазкур заводда йилига 200 минг автомобиль тайёрланади. Бундан ташқари, Тошкентда ташкил қилинган «ЎзДЭУ электроникс» қўшма корхонасида телевизорлар, видеомагнитофон ва турли хил электр жиҳозлари ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинмоқда. Жанубий Кореянинг яна бир йирик «ДЭУ телеком» корпорацияси ўзининг амалий ишлари билан мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларининг ривожланишига ва замон талабига мослашга кўмаклашмоқда. Масалан, Фарғона вилоятида 50 минг номерли йирик АТС мажмуи «ДЭУтелеком» иштирокида ишга туширилди. Шунингдек, Урганчда мазкур корпорация иштирокида ташкил қилинган «Алоқа-ДЭУ» ўзбек-корея қўшма корхонасида рақамли АТСнинг замонавий ускуналари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида 76 миллион АҚШ доллари қийматига тенг «Қобул-Тўйтепа-Текстайл» қўшма корхонаси ишга туширилди. Мазкур корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган.

Ўзбекистон-Корея Республикалари қўшма корхоналари фаолиятини молиявий жиҳатдан мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатимизга Жанубий Кореядан кўпроқ сармоя жалб қилиш мақсадида Кореянинг таниқли «ДЭУ секюритиз холинг» компанияси ва «Кармбанк», Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда «Турон» акционерлик-тижорат банклари иштирокида Тошкентда «УзДЭУбанк» фаолият кўрсата бошлади.

Шуниси эътиборга моликки, Корея Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига олиб кираётган сармоясининг қарийб 80 фоизи Ўзбекистонга тўғри келмоқда. Ҳозиргача бу кўрсаткич 1,5 млд. АҚШ долларидан ошди. Бу албатта кореялик ишбилармонлар Ўзбекистон иқтисодининг келажагига ишонч билан қараётганлиги намунасидир. Давлатлараро маҳсулот айрибошлаш қўлами ҳам кенгайиб бормоқда. 1995 йили бу кўрсаткич 200 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 250 миллион долларга тўғри келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги маданий алоқалар ҳам йил сайин равнақ топиб бормоқда. Бу борада Тошкентда фаолият кўрсатаётган Корейс маданият маркази ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгаши таркибидаги «Ўзбекистон ° Корея Республикаси» Дўстлик жамиятининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Мазкур уюшма ва жамият икки давлат ўртасидаги халқ дипломатиясининг ривожланишига кўмаклашиш, Ўзбекистон амалий санъати ва бой маданий меросини Жанубий Кореяда кенг тарғиб қилиш, шунингдек, Корея Республикасининг илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ютуқларини юртимизда атрофлича ёритишни ўзининг амалий дастури деб билиб, фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, юртимизда корейс тилида газета чоп этилмоқда. Ўзбекистон телевидениеси эса корейс тилида мунтазам кўрсатувлар тайёрламоқда.

Ўзбекистон ° Жанубий Корея ҳамкорлигининг яна бир қирраси илм-фан ва маориф соҳасидир. Бунга Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университетининг фаолияти мисол бўла олади. Мазкур олийгоҳларда талабалар корейс тили, Корея Республикаси тарихи, иқтисоди, адабиёти ва санъатини ўрганмоқда. Ҳар йили мазкур олийгоҳларнинг талабалари Кореянинг нуфузли Университетларида таҳсил олмоқда. Шунинг билан бирга юртимизда корейс тилига ихтисослашган лицей ва мактаблар ҳам фаолият кўрсатяпти.

Юқорида зикр этилган мисоллар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари ривожланиб бораётганлигининг айрим жиҳатлари, холос. Зеро, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик, дўстлик, тинчлик, фаровонлик каби умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Бу, албатта минтақамиз барқарорлигига ишонч уйғотади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

ИРОДА ВА САБР-ТОҚАТ

Ахлоқий тарбиянинг яна бир нозик қирраси бу инсондаги ирода ва бардошликни тарбиялашдир. Инсон, агар сабр-тоқатли ва иродали бўлса, ҳар бир иш осон кўчади. Сабр-тоқат баднафслик ва манманликнинг заволи, баркамолликнинг нишонасидир.

Тоқат ва қаноатга тескари бўлган инсон феълидаги ёмон сифатлардан бири бу таъма, у кишини баднафсликка, бахилликка ва очкўзликка ундайди, саховат ва мардликни қирқади, инсоний ҳис-туйғуларни хиралаштиради. Сабр-қаноатли киши, ўзида борига қониқади, каттароқ насиба олиш иштиёқида ўзини ўтга-чўққа урмайди, нопок ишларга қўл урмайди. Бировлардан таъма қилиш гадолик билан баровар, чунки инсон қадр-қиймати ерга урилади, юздаги ҳаё пардаси кетади. Натижада бетакаллуфлик билан ҳаммадан таъма қилишга, ноўрин талаб қилишга одатланиб қолади. «Камолот туганмас бойликдир», — дейлади муборак хадисимизда. Ҳазрат Навоий ушбу ҳадисни қуйидагича иншо этганлар:

Ҳирсдин кечгил ул
ғинодурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул
эрур моле,
Ки, ниҳоят эмас
анга пайдо.

Шарқ оламининг ўзига хос тафаккури, тарбияси ва эътиқоди мавжуд бўлиб, бу асрлар давомида шаклланиб, ривож-равнақ топиб, мукаммал башарий тарбияга айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бу тарбия ўзининг теранлиги ва ҳаётийлиги билан ҳам бугунги кунда фақат Шарқ оламини эмас, балки Ғарб олами педагоглари диққатини ҳам ўзига жалб этмоқда.

Зероки, Шарқнинг қайси бир аллома-файласуфи ёки имом ва мухаддислари асарларини урганмайлик ва тадқиқ қилмайлик албатта инсонни тўғри йўлга бошловчи, сабр-тоқатга ундовчи, киши кўнглига таскин ва ишонч бағишловчи теран маъноли сатрларни топамиз. Имом Исмоил ал-Бухорий ўзининг «Ал-адаб ал-муфрад» ахлоқ ва одоб масалаларига доир ҳадислар тўпламида «Ўзи бермай бошқа кишилардан олишга одатланиб таъмагир бўлиб юрадиган одамлар,-бахилдир. Буларни бу йўлдан қайтаринглар»,-деб ёзган эканлар.

Инсон иродаси кўп нарсага қодир. Ундан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Иродали киши ҳамма вақт ўз олдига қўйган мақсад сари интилади, уни ҳимоя қилади ва эҳтиёткорлик ҳамда совуққонлик билан зарурий эҳтиёжни амалга оширишга эришади. Аммо кўпинча ирода билан қайсарликни бир-биридан фарқ қилмаган ҳолда кишилар арзимас нарсаларга куч-қувватларини сарфлайдилар, қайсарликлари натижасида бошқалар билан муносабатларини бузадилар.

Иродали кишилар ҳеч қачон шошма-шошарлик ва сабрсизлик билан иш бажармайдилар. Ҳар қандай ғамташвиш ва азоб-уқубатларни вазминлик билан утказадилар. Халқимиз — «Сабр-қаноат, вазминлик — барча ишларга калит, донишмандликка даъвогарлик, барча нопоклик ва пасткашликдан тийилиш»,- деб билади. Кишида ирода ва қаноат ҳисси юқори бўлса, у ўзини ҳар қандай ҳурликдан, қадр-қимматини оёқ ости бўлишидан, беҳаёлик ва номуссизлик билан эришадиган бойлигу имкондан сақлай олади. Биз қуйида келтирадиган воқеа, ирода ва қаноатни буюклигига мисол бўла олади деб ўйлаймиз: Ўзининг фақатгина гўзаллиги билан эмас, балки довюраклиги ва чеварлиги билан ҳам ном чиқарган Ўғилой, ўзи ёқтириб турмуш қурган қўшнисининг ўғли Сафарбойни урушга кузатганида икки ўғилнинг онаси ва яна бўйида учинчи фарзандига умидворлиги бўлса-да ҳали йигирма бир ёшга тўлмаган, сухсурдек жувон эди. Сафарбой урушда дом-дараксиз кетди. Ўғилой эса, икки ўғил ва бир қиз билан тирикчиликнинг барча қийинчиликларини матонат билан кечиб, фарзандларини оёққа қўйди, уйли-жойли қилди. У урушда дом-дараксиз кетган (тўғрироғи қурбон бўлган) умр йўлдошининг хотираси ҳурмати, садоқат ва иродасининг буюклиги туфайли кўп одамлар «оғиз» солган бўлсалар ҳам, бошқа турмуш қурмади. Элюрт қатори ишлади, очарчилик ва қаҳатчиликларни бошдан кечирди, лекин болаларини бировга муҳтож қилдирмасдан баҳоли қудрат таъминлаб вояга етказди. Ўғилойни ҳаётдан нолиганини ёки арздод қилганини биров кўрган эмас. Аммо на чора, бевақт ҳазон бўлган орзулари, тинимсиз меҳнат ва болаларнинг ташвиши ўз таъсирини кўрсатди. У эллик ёшга етмасдан хасталаниб ётиб қолди. Фарзандлари қанча парвона бўлмасин, қайта оёққа туролмади. Оғирлашиб қолган бемор катта ўғлидан тоғасини, муллони ва укаларини чақиришни илтимос қилди. Ҳамма ҳозир бўлгач, мулло беморлан ҳол сўради. Она бир меъёрда нафас оларкан, аҳволи яхшилигини айтиб, Аллоҳга шукрона келтирди. Кейин шиканса овоз билан муллога мурожаат этиб, - «Сиз олим ва дин пешвосисиз менинг куним битиб, вақтим яқинлашаётганга ўхшайди, аммо мен ундан қўрқаётганим йўқ, фақат фарзандларим олдида катта бир гуноҳим бор шуни ўзрини қандай қилиб бошимдан соқит қилишни билмай қийналмоқдаман,-деди. Мулло ҳам, болалари ҳам бу сўздан ҳушёр тортиб саросимага тушдилар, кейин мулло,- «Ҳа энди келин, ёшликда ким гуноҳ қилмайди, Аллоҳ ўзи кечирсин» деди. Бемор бир тамшаниб кўзини юмиб олди. Икки томчи ёш кўзларидан ёноқларига думалаб тушди. Сунгра дам олиб, дам олиб гапира бошлади:

-Муллака, мен манглайи шўр, у дунёю бу дунёси куйган гуноҳкор инсонман,. Болаларим, сизларга ҳаром томоқ едириб гуноҳга ботган оналарингизни кечиринглар! Она бир фурсат жим қолди, орага юракни сиқувчи сукунат чўкди. Мулло аста тамоқ қириб гап бошлади:

- Келин, сизнинг юрагингизни эзаётган шубҳа-ташвиш нимадан иборат эканлигини билмайману, лекин сизни шунча йил биладиган бир тақводор сифатида имонимни ўртага қўйиб айта оламанки, Сиз ҳеч қачон виждонингизга қарши иш қилмаган бўлсангиз керак. Бас шундай экан очиқ айтинг, сизни нима қийнаяпти?

Бемор туришга ҳаракат қилди, қизи эҳтиёткорлик билан ёрдамлашиб онани ўтиргизди, кейин орқасига ёстиқлар қўйиб, суяниб ўтирадиган қилди. Она ҳаммани бир-бир кўздан кечирди, кейин ниманидир эслаб табассум қилди:

- Муллака эсингиздами, лаънати Гирмон урушининг учинчи йили баҳорида қаттиқ дўл-ёмғир бўлиб кўп экинларимизни хароб қилиб, меваларимизни ҳосилсиз қолдирган эди. Унинг натижасини кейинги қишнинг чиқишида кўра бошлаган эдик. Кўпчиликда дон-дун тамом бўлган, қуритилган унча-мунча мевалар ҳам ҳисобли. Баҳорга етиб кўкликка оғиз тегса ўлмай қоламиз деб орзу қилар эдик. Баъзилар ночорликдан аччиқ бодом, қунжара еб шишиб кетарди. Қишлоғимиздаги ўзига тўқ кишилар ҳам анча қийналишиб қолаётган эди. Ҳамма ўзини ўйлайдиган бир замон эди. Раҳматли раисимиз бўйруғи билан ҳафтага бир марта омборлари уруғликдан ун тортириб ўн нонноларга аталя пишириб берилгари. Бизга ҳам ҳеч вақо қолмади, охири биқолим - яғни ўзим тўқиган галаси нимасамга бериб бўлдим ёки бошқа бирор стуликка алмаштириб келишини илтимос қилдим, тезда қайтишини айтиб гаспа (район маркази-120 км) кетди. Ана шунда мен болаларим билан икки сутка очнаҳор ўтирдим, қизил тикон томирини ковлаб қайнатиб бердим, озгина сут топиб аччиқ данакни мағзини туйиб қайнатиб бердим, лекин болаларга юқ бўлмади. Энди тили чиққан қизим эса ҳа деб, «нон, нон» деб гингширди. Ахири учинчи кунга бориб сулайиб қолди. Иккала ўғлим эса мунгли боққан ҳолда кўзларидан ёш оқарди. Сувга анҳорга борсам эшак ўлиб ётган экан»- деб гап бошлади она. - Эҳтиётдан деб қўлимда доим пичоқ олиб юрардим. Дарҳол энди совий бошлаган ғўштидан парча-парча кесиб олдим. Кейин кўйлагим этагига солиб, уйга олиб келдим. Аллоҳнинг иродаси билан болаларимни шу харом луқма ҳисобидан омон сақлаб қолдим. Мана йиллар ўтди, бу нарсани ҳеч кимса билгани йўқ. Мен қолган умримни шу фарзандларимга бағишладим, бунга ҳеч қачон ачинмайман. Аммо қилган шу ишимни ҳеч қачон унута олмадим, доим мени болаларим лаънатлаётгандек туюлаверади. Она чарчаб хансирай бошлади, қизи пиёладаги чойни эҳтиёткорлик билан ичирди. Чойнинг бир қисми беморнинг лаблари четидан оқиб тушди. Мулло онани ётқизишга ишора қилди. Шунда Ўғилойнинг акаси хушёр тортиб, тезлик билан синглисининг ёнига ўтиб аста ётқизди ва бошини пасайтирди. Асл воқеадан хабардор бўлган катта ўғли бирдан онасига ўзини ташлаб: - Онажон, биз сиздан мингдан-минг розимиз, лекин сиз биздан рози бўлинг.

Она охирги марта кўзини очиб табассум қилди, кейин қўлини кўтариб ўғлини бошини силамоқчи бўлди. Қўл бошга етмасдан қайтиб пастга туша бошлади ва бир сесканиб жон таслим қилди.

Мана дўстлар, инсондаги ирода қанча кучли бўлса, ундаги ғурур, матонат, иффат ва қаноат ҳам шунча юксак бўлади. Ўз ўлимга рози бўлиши мумкин, аммо ор-номусини сотмайди, пасткашликка юз тутмайди.

Сабр-тоқат — шундай ахлоқий фазилатки, агар у бўлмаганда инсон руҳи тўпиб, ўз қатъийлигини йўқотган ва фаолиятидаги ишонч ва жўшқинлик сусайган бўларди. Сабр — ҳаёт деб аталувчи денгиз тўлқинларидан мардона сузиб чиқишга ўргатувчи сермазмун китоб, инсон қадриятларини тан олдирувчи восита, руҳий ва моддий ҳаёт ўртасидаги сирли парда.

Шундай экан сабру тоқат ҳеч биримизни тарк этмасин.

Гулмурод НИЁЗОВ,
Қўлдош АҲМЕДОВ,
педагогика фанлари номзодлари.

МЕҲМОН КУТМОҚЛИК

Яхши одам доим кутади меҳмон,
Меҳмонга ҳаттоки жонидир қурбон.
Бахиллик бўлмайди асло нонида,
Нон ила ошидир тайёр хонида.

Сен меҳмоннавозлик либосини кий,
Қара, нима демиш шоир Муҳиббий:
«Уйга меҳмон келса, кулиб чиқ дарров,
Шоду хуррамликка тўлиб чиқ дарров.

Бошингда чарх уриб турса-да ғамлар,
Меҳмонга бошқача бўлиб чиқ дарров».
Агар сен фикрда қилмасанг мўртлик,
Сенга муносибдир мана бу тўртлик:

«Мард киши ҳар ишни «хаёда қилур,
Меҳмонга кулгисин зиёда қилур.
Мансабда бўлса ҳам отнинг устида,
Шу куни ўзини пиёда қилур».

Дилингда ҳадисга бўлса иштиёқ,
Расулнинг ҳикматли сўзларига боқ.
Меҳмон кутмоқликнинг қутлуғ хислати,
Улуғ инсонларнинг улуғ хислати.

Меҳмондан қочганда инсонлик бўлмас,
Ишида ҳеч қачон осонлик бўлмас.
Эй ўғил, дунёда бўлсанг ҳам гадо,
Меҳмонга жонингни айлагин фидо.

Меҳмон келса дарров қучоғингни оч,
Меҳмонни ёқтирмас ноаҳлдан қоч!

Маҳмуд ХАСАНИЙ

ОИЛА ДАВРАСИДА

Мирза Қизиқ оилавий бахт тилайди

ХАНДАЛАР

Тунда

Ярим кечада хотин аста эрини туртиб уйготди.

- Дадаси, хой дадаси, қўшни хонада кимдир юрганга ухшайди, ўғри тушган бўлмасин яна?!

- Уф-ф-ф, неча марта айтаман сенга,- деди эр бевақт уйготганидан нарози бўлиб. - Бирон нарсага тўла ишонч хосил қилмагунча одамни безовта қилма деб. Аввал қўшни хонага ўтиб кўр, ростдан ҳам ўғри бўлса, кейин уйготасан.

Хавотир

Тунда уйғониб кетган хотин хонада у ёқдан бу ёққа юриб ухламаётган эридан сўради:

- Ҳа дадаси, нега ётмаяпсиз?

- Соат ўн икки бўлаяпти-ю, ҳамон ўғлингдан дарак йўқ.

- Шунга ҳавотир олаяпсизми, ўғлимиз ёш бола эмас, йигит бўлиб қолган, юрса юргандир ўртоқлари билан.

Шимим билан туфлимни кийиб кетганда, агар эрталабгача келмаса, ишга қандай бораман?

Ҳаммомда

Мижоз ҳаммомчига деди:

- «Иссиқ сув йўқ» деб ёзиб қўйибсиз, мени киритмадингиз, ташқарига чиқишим билан икки кишини утказиб юбордингиз, буни қандай тушунса булади-а, ёки ҳаммом ҳам таниш-билишники бўлиб қолдими?

- Нега энди, улар совуқ сувни икки баробар ишлатишга кўниб кириб кетишди,- дея жавоб берди ходим.

Сартарошхонада

Мижоз ўз аксини ойнада кўраркан жаҳл билан деди:

- Вой шўрим, мен сизга бўлажак куёв билан учрашишим керак, дегандим-ку, бу нимаси, сиз ё атайин қилгансиз, ёки умуман соч турмаклашни билмайсиз. Қани бошлигингизни чақиринг-чи, мен сиз билан ўша ерда гаплашаман.

Бу нима майнавозчилик?!

- Ўзингизни босинг яхши қиз, ахир куёв мени кўрганда ёқасини ушлаб, юраги уйнаб кетсин демабмидингиз?

- Тўғри, аммо бу ҳолатимни кўриб қочиб кетади-ку!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Автоҳаваскорлар диққатига!

ЁНИЛҒИ КАМ САРФЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

(Давоми. Боши газетанинг 3 июль сонида берилган)

11. Тозалагич (фильтр) ўз вақтида алмаштирилиши лозим. Бу мойнинг равон айланишига омил бўлади.

12. Чақмоқ (свеча)ларнинг эскилиги ёки пухта ўрнатилмаганлиги, чақмоқ тишларининг кирдланганлиги, тиш оралиғининг машина кўрсатмаларига номувофиқлиги кўпроқ ёнилғи кетишига сабаб бўлади.

13. Электр қисмлари, манба, таратувчи (распределитель) ва ўтказгич муфталари яхши ишламаса ҳам моторнинг самарадорлиги пасаяди. Чунки буларнинг яхши ишламаслиги умуман зиён эканлигидан ташқари, яна бу нарса генераторни зўриқтиради ва ёнилғи сарфиётини 10 фоизга кўпайтиради.

14. Ҳаво тозалагичи тез-тез тозаланиб турилиши лозим. Чанг-тузон йўлларда ҳаво тозалагичи ҳар куни тозаланади. Чанг ва ис босган тозалагич моторга етарли миқдорда ҳаво ўтказмаслиги сабабли моторда тўлиқ ёниш бўлмайди. Ифлосланган ҳаво тозалагичи касрига ҳар 100 чақиримда одатдагидан 2 литр ортиқ ёнилғи «ейилади».

15. Карбюратор тоза ва созланган бўлмаса, ундан ташқари жиклёр капалаги (дроссель) узоқ вақт туриб қолган бўлса ҳам ёнилғи ифлосланишига сабаб бўлади.

16. Ғилдирак ўрнатилишидаги нуқсонлар (развалсхождение) ҳар бир бак ёнилғидан 4-8 литр беҳуда кетишига сабаб бўлади. Ундан ташқари ғилдирак тез ейилади, ўн баравар тез ишдан чиқади.

17. Тўхтатгич (тормоз) қайишларининг созланмаганлиги моторга зўриқиш келтиради. Ғилдиракларни ечиб олиб, эркин айланишини таъминлаш зарур.

18. Ғилдираклар мувозанатлилигининг йўқлигидан ҳам ёнилғи сарфи ортади. Ундан ташқари орқа ғилдиракларнинг ўрнатилишида ҳам алоҳида аниқликка риоя қилиш лозим. Кўпчилик ҳайдовчилар орқа ғилдиракларнинг ўрнатилишига аҳамият бермайдилар, натижада ёнилғи сарфи ошади ва ғилдираклар ейилиши тезлашади.

19. Совутиш тармоғи ва термостатнинг яхши ишламаслиги ҳам ёнилғини исроф қилишга сабаб бўлади. Тишлагич (сцепление)ни ўз вақтида ва ўз жойида қўлламаслик, масалан, биринчи тезликда булатуриб тўғри тўртинчи тезликка улаб юбориш каби ҳоллар ҳам ёнилғи сарфини орттиради. Эскирган поршен халқаси мотор қувватини кесади ва ёнилғи исрофига сабаб бўлади.

20. Кенг товонли ғилдираклар ёнилғи харжланишини орттиради. Радиал турдаги ғилдираклар оддий ғилдиракларга қараганда ёнилғини оз сарфлайди (машинанинг тезлигига боғлиқ ўлароқ). 7-10 фоиз ёнилғи тежалиши қайд этилган.

САЙЁРАЛАР КУНИ

Қадимдан одамлар ер юзидаги жамики нарса, ҳодиса — уруш ва зилзилалар, қурғоқчилик ва тошқинлар, фаровонлик ва қаҳатчиликни сайёраларнинг сеҳрли ҳаракати билан изоҳлаганлар. Айниқса етти сайёра — Ой, Марс (Миррих), Меркурий, Юпитер, Венера (Зуҳра), Сатурн ва Қуёшга алоҳида аҳамият бериб, ердаги ишлар уларнинг ҳолатига боғлиқ деб ишонганлар. Хусусан, улар фикрича, ҳафтанинг ҳар кунини сайёраларнинг бири бошқаради.

ДУШАНБА. Бу кунни маънавият кўзгуси — Ой бошқаради. Инжи ва беқарор сайёра. Бу кун беҳаловат, бетайин ҳисобланади. Уни кўпроқ хўжалик ишлари, кундалик юмушлари билан машғул бўлиб кечирган маъқул. Саломатликка эътибор бериши лозим.

Табиатда ҳавонинг совушлари, кескин узгаришлари, ёғин-сочинлар Ойнинг изида. Усмирларга эса ҳомийлик қилади.

СЕШАНБА. Бу кунни ирода ҳукмдори Марс бошқаради. Адолатпарвар, курашчи сайёра.

Бу кун шахсий йўриғдаги ташаббуслар учун ноқулай. Узаро битимлар тузиш, никоҳдан ўтиш тавсия этилмайди. Илгари даврларда ҳарбий ҳаракатлар шу куни бошланган. Табиатда бўронлар, дўллар, жалалар, қурғоқчиликка Марс мутасадди.

ЧОРШАНБА Фақир кишилар ҳомийси. Ақл-заковат ҳукмдори Меркурий раҳбарлик қилади. Хосиятли сайёра.

Бу кун хизматга оид шартномалар тузиш, аризалар ёзиш, мурожаатномалар топшириш учун қўл келади. Лекин уйрўзгор ташвишларини ҳал этиб бўлмайди. Табиатда шиддатли, қуқкисдан турадиган шамоллар, умуман алоқалар Меркурий ихтиёрида. Савдогарлар, сайёҳларга ҳомийлик қилади.

ПАЙШАНБА. Бу кунни илму маърифат ҳукмдори Юпитер идора қилади. Хушфеъл энг катта сайёра. Адлия ва дин мафкура ишларига аралашади. Жамоа онгига кучли таъсир қилади.

Бу кун катта режалар тузиш, улкан тадбирлар бошлаш (жамоа йўли билан) учун ўнг келади. Якка-ёлғиз ҳаракатлар жанжал билан якунланиши мумкин. Лекин ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қасд қилган кишиларга ён босади. Табиатда мўътадил ҳаво, булутсиз осмон, баҳор жалалари, момоқалдироқлар Юпитер таъбирига боғлиқ. Даҳолар ҳомийси.

ЖУМА. Ҳис-туйғулар соҳибаси Венера куни. Муҳаббат ва нафосат сайёраси. Ер юзидаги жамики жозиба унинг сеҳридан пайдо бўлган. Бу кун муҳим ишлар, масъулиятли тадбирлар мавриди эмас. Ғуборлардан тозаланадиган, ороланадиган кун. Табиатда тонг туманлари, очиқ, мусаффо кунларни Венера юборади. Шу кун туғилганларни паноҳига олади.

ШАНБА. Қадрият ҳукмдори Сатурн раҳнамолик қиладиган кун. Меҳёр, сарҳад сайёраси. Ҳаётда расамад тарафдори. Бу кун янги танишлар орттирмаслик лозим. Узоқ сафарларга чиқмаган маъқул. Ҳаёт унинг маъноси, мақсад ва режалар ҳақида мулоҳаза қиладиган кун. Табиатдаги изиринли бўронлар, қурғоқчилик, қаҳатчилик — Сатурн қилмиши, филойи, меҳнаткаш кишиларга эса ҳомийлик қилади.

ЯКШАНБА. Руҳият ҳукмдори Қуёш байрами. Бизга бутун нури ва ҳароратини сочиб турган бош сайёра. Ер юзидаги ҳаётнинг манбаи. Бу кун тарбия ишлари билан шуғулланиш, оилада, ёр-дўстлар билан гурунглашиш, оилавий маросимлар, катта сайллар ўтказиш керак. Табиатдаги очиқ, соғлом ҳаво Қуёш саховатидандир.

Иззат АҲМЕДОВ
тайёрлади.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Биз кўпинча «Алдар» сўзини алдоқчи, айёр, «кўса» сўзини эса соқолсиз, соқоли сийрак маъноларида ишлатамиз. Лекин, қозоқ, уйғур, қорақалпоқ, туркман, форс халқларининг аксарият эртакларида Алдаркўса салбий эмас, балки ижобий талқин ва тавсиф қилинади. Бинобарин, Алдаркўса бефаросат, нодон ва мугомбир эмас, аксинча, ақли расо, сўзга чечан, фаросатли, олғир бир шахс сифатида танилган.

Маълумки, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ва эрамизнинг биринчи минг йиллигида Қора денгизнинг шимолий қирғоқларидаги даштларда, шарқда эса Хитой чегарасигача — улкан территорияда ҳозирги осетинларнинг аждодлари бўлмиш аланлар яшаган. Таниқли тилшунос В. Абаевнинг ёзишича, аланлар тилидаги «алдар» сўзи кейинчалик венгерларга ва бошқа халқларга ўтган.

Венгер тилида «алдар», «Ардар» эса жаноб, афанди, бек, хўжайин, мулк эгаси каби маъноларни ифодалайди. Туркий тиллар билан биргаликда олтой тиллари оиласини ташкил этувчи монгол, қалмоқ, бурят тилларида алдар сўзи донгдор, машҳур, атоқли, ном чиқарган сингари маъноларга эга,..

Демак, аслида Алдаркўса сўзи Алдар (кўсам тарзида машҳур қоровуллар бошлиғи ёки қабила бошлиғи), йўлбошчи маъноларини англатади. Кейинчалик тилдаги аналогия қонунияти асосида, Алдаркўсам бирикмаси Алдаркўса шаклида ўзгарган. Шу туфайли Алдаркўса шарқ халқлари эртакларида, аслида, ижобий, кейинчалик салбий образ бўлиб қолган.

С. ОДИЛОВА тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Жаҳон тарихида салмоқли из қолдирган сиймоларнинг қатор ўйин жиҳатлари мавжуд. Жумладан, АҚШ Президентлари Авраам Линкольн ва Джон Кеннеди ҳаётида рўй берган барча муҳим воқеалар оралиғи роппа-роса юз йилни ташкил этади. Хусусан, А. Линкольн 1860 йилда АҚШ Президенти бўлган бўлса, Дж. Кеннеди бу лавозимга 1960 йилда сайланган. Уларнинг ҳар иккаласи қирқ етти ёшида конгрессга сайланганлар. Линкольн ҳам, Кеннеди ҳам Президентлик лавозимини эгаллашларидан олдин вакиллар палатасининг аъзолари бўлишган. Ҳар иккаласи нутқ сўзлар экан, Шекспир асарлари ва Библиядан парчалар келтиришни хуш кўрган. Қолаверса, иккаласи ҳам қора танли аҳоли оқ танли аҳоли билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари учун курашганлар. Линкольн енгил тортиш учун, Кеннеди эса умуртқа погонасидаги оғриқни камайтириш учун оромкурсидан фойдаланган. Иккаласининг ҳам учтадан фарзанди бўлиб, битталари фарзандлари айнан президентлик қилаётган кезларида ҳаётдан кўз юмишган. Уларнинг ҳар бири айнан бошига ўқ тегиши оқибатида, айниқса ажабланарлиси жума куни ўлдирилган. Линкольн Форд номли театрда қотил ўқига учган бўлса, Кеннеди «Форд-Линкольн» машинасида кетаётган бир пайтда ҳаётдан кўз юмган. Линкольннинг Кеннеди фамилияли котиби бўлиб, театрга бормасликни маслаҳат берган. Кеннединнинг котибаси фамилияси эса Линкольн бўлиб, Далласга бормаслигини ўтиниб сураган. Линкольндан кейин Эндрю Джонсон (1808 йилда туғилган) президентлик лавозимини эгаллаган бўлса, Кеннедидан кейин Линдон Джонсон (1908 йилда туғилган) бу олий лавозим соҳиби бўлган. Наполеон билан Гиплер ҳаётида рўй берган воқеалар оралиғидаги вақт эса айнан 129 йилни ташкил этади.

***

Француз олимларининг тахминларига биноан, шу пайттача заминда яшаб ўтган одамларнинг сони саксон миллиардни ташкил этади. Ерда инсон яшай бошлаган дастлабки кезларда аҳоли сони бир неча ўн мингни ташкил этган. Оловнинг кашф этилиши натижасида тахминан икки юз минг йил муқаддам заминдаги аҳоли нуфуси ярим миллионга яқинлашган. Эрамиздан аввалги тўрт мингинчи йилнинг бошларига келиб ер куррасида беш миллион аҳоли истиқомат қилган. Ва фақат ўн саккизинчи асрга келиб аҳолининг сони бир миллиардга етган. Асримиз бошларида бу рақам бир ярим миллиардни, орадан эллик йил ўтиб, икки ярим миллиардни ташкил қилган. Аҳоли яна бир ярим миллиардга кўпайиши учун атиги чорак аср талаб этилган. Заминдошларимизнинг сони беш миллиарддан ҳам ошиши учун яна ўн йил керак бўлган. БМТ мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, яна тахминан юз йилдан кейин замин аҳолисининг сони қариб 11 миллардни ташкил этади.

С. ҲАҚБЕРДИЕВ

Муносабат

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА БЎЛАДИМИ?

Пойтахтимиз Тошкент ўзининг салобати, улуғворлиги билан қадимдан машҳуру маълум. Айниқса, мустақиллик йилларида пойтахтимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Бир-биридан маҳобатли биноолар, замонавий бозорлар, равон кўчалар шаҳримиз қиёфасига кўрк қўнмоқда. Биргина Амир Темур хиёбони-ю, Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Буларнинг барчаси яхши. Аммо, менинг шаҳримизнинг ниҳоятда ифлосланиб кетишини ташвишга солмоқда.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда хорижий давлатлар қурилиш фирмалари билан ҳамкорликда бунёдкорлик ишларини олиб бориши натижасида қурилиш маданияти, қурилиш эстетикаси ҳаётимизга астасекин кириб келмоқда. Бу соҳада айниқса, туркиялик қурувчиларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. «Дархон» бекати атрофида Туркиянинг қурилиш фирмаси турар жой биносини қурмоқда. Қурилиш майдони девор билан ўсилган бўлиб, деворга «Бизнинг фирмамиз қурилиш жараёнида ноқулайлик туғдиргани учун тошкентликлардан узр сурайди» деган лавҳа осиб қўйилган. Ана сизга маданият!

Мени ҳайратга соладиган жойи шундаки, кўчалар, бекатларнинг озодалигига жавоб берувчи фарроҳлар ўз хизмат вазифаларига эл қатори киришадилар, яъни одамлар ишга бораётган пайтда кўча супурадилар.

Мен хизмат жойимга бориш учун ҳар куни соҳибқирон Амир Темур майдонини кесиб ўтаман. Майдонга киришим билан қайси томонидан ўтсам экан, деган фикр тинчлик бермайди. Чунки у томондан ҳам, бу томондан ҳам фарроҳлар сиз томон кўча супуриб келаверадилар. Эплаган четлаб ўтади, эпламаган чангда қолади.

Ачинарлиси шундаки, бундай ҳол фақат бу майдонда юз бермаяпти. Мовароуннаҳр кўчасидан унга бурилиб, «Правда Востока» кўчаси бўйлаб юриб «Нуроний» жамғармаси биносидан ўтсангиз, яна фарроҳлар «ҳужуми»га учрайсиз.

Эсимда, бир пайтлар фарроҳлар тонг ёришмасдан кўчага чиқиб, одамлар ўтгунча кўчалар, бекатларни озода, саранжом қилиб қўярдилар. Кўчадан ўтган ҳар бир меҳнаткашнинг кўнглида илиқ бир туйғу қоларди, кайфияти, руҳи кўтарилиб, меҳнат қучоғига кирарди. Нега аҳвол бу тариқа ўзгарди? Бунга шаҳар мутасаддилари ташкилотлари нима дейишаркин?

Очиғини айттанда, шаҳримизнинг бу қадар ифлосланишига ўзимизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз ҳам сабаб бўлмоқда. Бўшаган сигарет, гўгурт қутиси, қолдиқ сигарет, музқаймоқ қоғози ва бошқаларни жуда камдан-кам киши чиқинди қутисига ёки чиқинди тўпламига ташлайди. Аксарият дуч келган томонга улоқтиради, чекиб бўлган сигаретасини шундоққина оёғи остига олиб, «роҳат» қилиб эзғилайди.

Шаҳримиз кўчалари, бекатларининг ифлосланишига сабаб қилиб писта (семечка) балосини кўрсатиб ўтишни истардим. Ушбу эрмак йўқолмас экан, кўчаларимизнинг озода бўлиши амри маҳол. Сиз балки кузатгандирсиз; катта-ю-кичик қўлида писта, «қарсиллатиб»чақиб, ўнг-у-сўлига тупуриб бораверади. Биргина шаҳримиздаги зобитлар уйи олдидаги бекатда пистафурушлар ҳали фарроҳлар кўчага чиқмасданоқ ўз «фаолиятини» бошлаб юборадилар. Ҳозирги кунда аҳвол шу даражага етиб бордики, писта ишқибозлари эндиликда жамоат жойларида, кино-театрларда, ҳатто транспортда ҳам пистани бемалол «қарсиллатиб» чақмоқдалар, қолганлар эса лоқайдлик билан томоша қилмоқдалар. Эсимда бор, бундан чамаси 10 йиллар илгари Андижон вилоятидаги Хонобод шаҳри ижроия қўмитасининг қарорига биноан шаҳар ҳудудида писта билан савдо қилиш, писта чақишни қатъиян ман қилувчи қарор қабул қилиниб, уни бузган кишиларга катта миқдорда жарима солинар эди. Фикримизча, бизда ҳам шунга ўхшаш чора-тадбирларни қўллаш вақти етиб келди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, илгарилари ҳар бир бекат, гавжум жойларда сув отилиб турадиган жўмраклар, кичик фавворалар бўлгувчи эди. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида улар кишига роҳат бағишларди, қўлбетни чайиб олиш, оғизни ҳўллаш мумкин бўларди. Аммо айни дамга келиб барча жўмракларга қирон келтирилди. Қаерга боқманг, газли сув, у ҳам фақат сиропли, пепсикола, фанта каби ичимликлар. Бизнингча, аҳолини сув билан таъминловчи мутасадди ташкилотлар шу ҳақда ҳам ўйлаб кўришлари лозим.

Яна бир мулоҳаза: турар жойлардаги чиқинди қутилари ва чиқинди уюмларини ўз вақтида мунтазам олиб кетилмаётганлиги. Ушбу масала юзасидан радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари ўз вақтида кўп марта бонг урдилар. Ёлғон бўлмасин, баъзан иш силжигандек бўлди-ю, яна боши берк кўчага кириб қолди.

Маълумки, эрта баҳор келиши билан мамлакатимизда бўлгани каби пойтахтимизда ҳам умумхалқ ҳашарлари ўтказилиб, майдонлар, идора-ю ташкилотлар ҳовлиси, уларнинг атрофига турли дарахтлар, кўчатлар, манзарали гуллар ўтказилар, хуллас, шаҳар кўкаламзорлаштирилар эди.

Бугунги кунда шаҳримиздаги кўкаламзорлаштириш ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Дарахт-у кўчатлар, гуллар сарғайиб ётибди. Узоққа бормай, Республика биржа маркази биносининг орқа томонидаги каттагина майдонни кўрган киши ўзини Қизилқумда юргандек сезишини таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

«Болалар дунёси» дўкони буйлаб борар экансиз, қовжираган ўтлар, қуриб бораётган гул-у дарахтларга кишининг ичи ачийди. Ҳаммадан ачинарлиси шундаки, Халқаро Экосан жамғармаси жойлашган бинонинг олдидаги майдончадаги гуллар, буталар қовжираб ётибди. Тўғри, бу бинода жамғармадан бошқа кўпгина ташкилотлар ҳам мавжуд. Аммо, жамғарма ходимлари мамлакатимиз экологик аҳволини яхшилаш учун масъул ташкилот.

Тўғри, шаҳар хўжалиги хизмати барча кўчат-у дарахт, манзарали ўсимликларни парваришлашга қурби етмас, аммо ҳар бир ташкилот, лоақал ўзи жойлашган бино атрофини кўкаламзорлаштирса ҳам, бу соҳада сезиларли силжиш бўларди, деб ўйлайман.

Хуллас, муаммолар кўп. Биз экологик тоза ҳудуд деб гапираверганимиз, турли мажлис-у йиғинлар ўтказаверганимиз билан шаҳримиз озода бўлиб қолмайди.

Биз мақоламизни «Шаҳримиз озода бўладими?» деб бошлаган эдик. Шаҳримиз озода, саранжом, кўркам бўлади, бўлиши шарт, бунинг учун барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз зарур.

Шавкат ЁҚУБОВ

Китоб, шахс ва баҳс

ПОДШОҲ, ДОНИШМАНД ВА КИТОБ

Кейинги вақтларда «Ишонч» газетасида бугунги ёшларимизнинг китоб ўқишга, китобхонликка, илмга бўлган рағбат ва муносабатлари ҳақида долзарб мақолалар чоп этилмоқда.

Ўқитувчи бўлганлигим туфайли ўқувчиларнинг китоб ўқишларини, қизиқишларини кузатиб бораман. Мактабда ўн йил ўқиб, китоб ўқишни билмай кетадиган ўқувчилар ҳам бор. Икки қатор шеърни ёд билмаган, биронта ҳам китоб ўқимаган ўқувчи — ёшлардан келажакда нимани кутиш мумкин?

Шу ўринда китоб билан боғлиқ бўлган бир ҳикоятни келтириш ўринли деб ўйлайман. Ўтган замонда бир ҳукмдор вазиру уламоларини чақириб, «Дунёда энг зўр, керакли ва ҳамма нарсадан хабардор қилувчи нима бор?» — деб савол берибди. Кишилар у дейишибди, бу дейишибди, бирови дунёда энг зўр қилич деса, иккинчиси кераклиси — нон, дебди. Ҳамма нарсадан хабар берувчи нарса «Ойнаи жаҳон» дегувчилар ҳам топилибди.

— Уч кун мухлат бераман, — дебди ҳеч кимнинг жавобига қониқмаган подшо.

Қўшни мамлакатда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшаётганлигидан вазирнинг хабари бор экан. У: «Подшонинг саволларига шу донишманддан бошқа ҳеч бир киши жавоб топа олмайди», — деб ўйлабди-да, донишмандни излаб сафарга отланибди. Ниҳоят, донишманднинг қишлоғига етиб борибди.

Подшонинг саволларини унга айтибди. Донишманд саройга боришга унамабди.

Вазир: — Эй донишманд, агар сен саройга бориб шаханшоҳнинг саволларига жавоб қилмасанг, у ҳаммамизни теримизга сомон тиқади, — деб ялиниб-ёлворибди. Донишманднинг боришдан бошқа иложи қолмабди.

Подшо донишмандга: — Айтишларига қараганда, сен доноларнинг доноси эмишсан, саволларимга тўғри жавоб қилсанг, катта бойлик ҳадя қиламан, нотўғри жавоб берсанг, дор остидаман, деявер, — дебди.

— Майли, шоҳим, — дея мулойимлик билан жавоб қилибди донишманд, — қўлимдан келса жавоб берарман, жавоб бера олмасам, гинам ўзимдан!

— Дунёда энг зўр нарса нима? — дебди подшо.

— Китоб! — деб ҳеч иккиланмай жавоб берибди донишманд. — Чунки китоб билим беради. Дунёдаги энг қудратли нарса эса билимдир. Билимли киши енгилмасдир.

— Саволингизга донишманд тўғри жавоб топди, — дейишибди аъёнлар хурсанд бўлишиб.

— Дунёда энг керакли нарса нима?

— Китоб! — ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берибди донишманд.

— Китоб?! — ажабланибди ҳукмдор.

— Ҳа, дунёда энг керакли нарса китоб, — такрорлабди сўзини донишманд. — Инсон учун икки нарса энг мўътабар ва азиз. Бу нон билан китоб. Шу боис нон қанчалик мўътабар саналса, китоб ҳам шунчалик азиз.

Китоб ўтмишдан ҳикоя қилувчи тарих: бугунни акс эттирувчи кўзгу, эртанги кунни айтиб берувчи мўъжизадир. У инсоннинг маслаҳатгўи, доимий ҳамроҳидир. Китоб кўрмаган одам нодондир, китоб кирмаган уй қоронғу — зимистондир, — дебди донишманд. Бу гап умрида китоб кўрмаган шоҳнинг ғазабини қўзғатибди.

— Яна китобми? — деб бақирибди шоҳ. Кейин вазирнинг имо-ишораси билан ҳовуридан тушиб, ён-атрофида турганларга қарабди.

— Шоҳим, донишманд бу саволингизга ҳам тўғри жавоб қилди, — дейишибди сарой аъёнлари.

— Суву қуруқликдаги ҳамма жойлар, дунёдаги элу элатлардан хабар берувчи ҳам китоб дерсан, — дебди шоҳ.

— Ҳа, китоб — дадил жавоб берибди донишманд. — Дунёни шундоққина олдингизга келтириб қўядиган ҳам, ҳеч кўрмаган ва бир умр кўролмайдиган кишилар ҳамда жойлар билан таништирадиган ҳам шу китобдир, шоҳим! Мана, мени олиб кўринг. Туғилиб ўсган қишлоғимдан ташқарида бўлмаганман. Аммо Мағрибдан Машриққача, Ямандан Ясрибгача яхши биламан. Қанча, нимаики билмай, барчаси китобдан. Ер юзида жамики одамзод бор — уларнинг ҳаёти, одатлари, расм-русумларидан озми-кўпми хабардорман. Бунга ана шу мўъжиза — китоб орқали эришганман.

Подшо донишмандга: «Саройимда қолиб, бош маслаҳатгўйим бўл», — деб қанчалик ялинмасин, у кўнмабди. Донишманд олган олтинларига бозордан китоб харид қилиб, қишлоғига қайтибди.

Мазкур келтирилган ҳикоятда теран ва мажозий маънолар мавжуддир. Дарҳақиқат, китоб — инсоннинг доимий қаноти, унинг йўлдошидир.

Норали ХУДОЙНАЗАРОВ,
ўқитувчи,

Спорт

Ёшлик, шижоат ва бирдамлик

Косонсойда Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари XVIII спартакиадаси очилди.

(Махсус мухбиримиз Неъмат Рафиқов телефон орқали хабар қилади).

Кейинги пайтларда Инсон манфаатлари йили шиори остида республикамизда кўпгина тадбирларни ўтказиш одатий тусга айланиб қолди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб Наманган вилояти Косонсой туманида ўз ишини бошлаган Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари XVIII спартакиадасини ўтказишдан мақсад қишлоқ хотин-қизларининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишдир.

Косонсой туман марказий ўйингоҳи байрамона безатилган. Спартакиадани очиш учун дастлабки сўз Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлари қўмитасининг раиси, Ўзбекистон қишлоқ хотин-қи злари XVIII спартакиадаси ўйинлари ташкилий қўмитаси раиси Дилбар Ғуломовага берилади. Сўзга чиққан маърузачи кейинги пайтда республикада шу жумладан, хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш учун республика ҳукумати ва шахсан Президентимиз томонидан катта ишлар амалга оширилаётгани, мазкур спартакиада соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди. Спартакиадани очиқ деб эълон қилди.

Мамлакатимиз мадҳияси янгради, республикамиз байроғи кўтарилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ.Жамолов мазкур спартакиаданинг қишлоқ хотин-қизлари ҳаётида тутган ўрни, спортга қишлоқ хотин-қизларини кўпроқ жалб этиш йўли билан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда катта самара беришини таъкидлади.

Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ҳам сўзга чиқиб, спорт ўйинлари қатнашчиларини ғўзал ва навқирон Наманганга келганлари билан самимий табриклаб, омад тилади.

Спартакида очилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари О.Муҳиддинова, касаба уюшмалари Наманган вилояти кенгаши раиси К.Райимжонов ва бошқалар иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНЧИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИДА

Жума куни олий лига футбол клублари ўртасида иккинчи давранинг 18-тур ўйинлари бўлиб ўтган бўлса, куни кеча 19-тур учрашувлар ғолиблари аниқланди. Дастлабки турда пахтакорчилар ўз майдонида Суғдиёна жамоасини қабул қилиб, улар устидан 3:0 ҳисобида устун келган бўлсалар, 19-тур учрашувларида Нефтчи жамоаси меҳмони бўлиб, 2:1 ҳисобида ўйинни бой берди ва турнир жадвалидаги тўртинчи ўрнини ўтган йилги мамлакат чемпиони Навбаҳорчиларга бўшатдилар.

МҲСК футболчилари эса олдинги учрашувни ўз майдонида Қаршининг Насаф клубини қабул қилишиб, 6:2 ҳисобида устун келган бўлса, 18-тур учрашувида Дўстлик жамоаси устидан ҳам 3:2 ҳисобида қийинчилик билан бўлса-да, ғалаба қозониб, чемпионатда мағлубият нималигини билмасдан пешқадам бўлиб келмоқда.

Энди 18-19 турнинг қолган учрашувлар натижаси билан танишинг:

18-тур	19-тур
Навбаҳор-Нефтчи-3:0	Афросиёб-Янгиер-1:1
Чилонзор-Афросиёб-3:0	Суғдиёна-Чилонзор-3:1
Атласчи-Хоразм-3:7	Трактор-Дўстлик-2:5
Янгиер-Андижон-3:2	Хоразм-Зарафшон-1:1
Зарафшон-Трактор-1:0	Косонсой-Атласчи-3:0
Сурхон-Косонсой-3:2	Сурхон-Андижон-1:0
Насаф-Бухоро-3:0	Бухоро-Навбаҳор-1:4

Кўриниб турибдики, турнир жадвалининг юқори поғоналаридан жой олиб келаётган жамоалар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб қолаётган бўлсалар, турнир жадвалининг охирида келаётган Янгиер, Чилонзор, Атласчи жамоаларидан эса омад юз ўгирмоқда. 19-тур ўйинларидан кейин жадвал қуйидагича тус олди:

	У	Ю	Д	М	Т	О
1. МҲСК	19	19	0	0	64:20	57
2. Нефтчи	19	15	2	2	58:19	47
3. Дўстлик	19	12	4	3	41:22	40
4. Навбаҳор	19	10	4	4	46:23	37
5. Пахтакор	19	10	5	4	32:15	35
6. Суғдиёна	19	9	1	9	25:29	28
7. Бухоро	19	8	1	10	25:33	25
8. Косонсой	19	7	1	11	19:32	22
9. Хоразм	19	6	3	10	29:45	21
10.Трактор	19	6	3	10	26:32	21
11.Зарафшон	19	5	6	8	28:35	21
12.Насаф	19	5	6	8	28:35	21
13.Сурхон	19	5	5	9	18:38	20
14.Афросиёб	19	5	5	9	12:26	19
15.Андижон	19	5	2	12	20:39	17
16.Атласчи	19	5	2	12	20:41	17
17.Чилонзор	19	4	5	11	20:29	17
18.Янгиер	19	4	5	10	25:37	16

Улуғбек АҲРОРОВ

«ҚАШҚАДАРЁСАЙЁҲ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз фуқароларини, жамоаларини воҳадаги манзилгоҳ ва зиёраттоҳларга, шунингдек жонажон республикамиз ва хорижий давлатлар бўйлаб саёҳатларга таклиф қилади.

Сайёҳлар Қарши шаҳрида Қиличбек мадрасаси, Кўк гумбаз масжиди, Хўжа Жарроҳ, Султон Мирҳайдар зиёраттоҳлари, XVI аср Ўнбир равоқ кўприги каби тарихий обидалар, халқ ҳунармандчилиги ва ўлкани ўрганиш музейлари, «Шуҳрат» қўрғонини, Шаҳрисабз шаҳрида эса улуғ бобоколонимиз Амир Темур қурдирган Оқ сарой қалъасини, Чубин мадрасасини, Дорутиловат, Дорусаодат мажмуалари, Мирзо Улуғбек бунёд этган жаҳонга машҳур халқаро Кенглик станциясини тамоша қиладилар.

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти биргина сайёҳларни қабул қилмасдан, уларни тарихий обидаларга бой Андижон, Фарғона, Қўқон, Тошкент, Хива, Бухоро шаҳарлари бўйлаб 3-5 кунлик саёҳатларга, шунингдек, Эрон, Англия, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Голландия, Хитой, Кичик Осиё, Араб Амирликлари, АҚШ, Сурия, Таиланд, Туркия, Жанубий Корея мамлакатлари бўйлаб 7-14 кунлик саёҳатларга юборади.

Йўлланмалар жамоалар учун 30 фоизга арзонлаштирилган бўлиб, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 245-уй. Мурожаат учун телефонлар: 5-46-33, 5-15-61, 4-38-02, 3-57-09.

«КАФОЛАТ ИНВЕСТ» БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

DAROMAD Plus

бир дона акция нархи **100 СЎМ**

ҳар бир акция **600 СЎМ** *актив билан таъминланган*

ШОШИЛИНГ! ХИФ «Даромад Плюс» акциялари Халқ банки ва Турон банкининг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй «Биржа Маркази», 18-хона. Тел: 1320746, ички 300.

ХИФ «Даромад Плюс» акциялари фойдали ва ишончлидир. 07.01.97 йил 460-сонли лицензия.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг сўм пластик карточкаси муомалага чиқарилди. Сиз талаб қилиб олгунча омонати бўйича электрон пластик карточкасига эга бўлиб, қимматли вақтингизни тежашга, пул маблағларингизнинг дахлсизлиги ва кўпайишига ҳамда барча товарларни харид қилишда туркум афзалликларга шароит яратган бўласиз. Бу омонат бўйича ҳисоб варақасини очиш учун Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ва Миробод тумани Халқ банки бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 45-66-43, 78-53-63

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги «Бодроқ» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилганидан кейин уч кун ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефонлар: 67-67-83, 30-80-00

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши аппарати собиқ ходим Георгий Вадимович ЧЕСНОКОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЁЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОКОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тиҗорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Намангада - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ТВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0531. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ 1 2 3 4 5 6